

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ
ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ИНСТИТУТИ

Раимжонов Куёшбек Ильхомжонович

**ФУТБОЛ ЖАМОАЛАРИНИНГ ҒАЛАБА ҚОЗОНИШДА ТАКТИК
СИСТЕМАЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИНГ ТАХЛИЛИ**

Таълим йўналиши 5810200 «Спорт» (спорт турлари бўйича)

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Иш кўриб чиқилди ва ҳимояга қўйилди
«Футбол назарияси ва услубияти» кафедраси
мудири проф. Р.И.НУРИМОВ

Илмий раҳбар

« _____ » _____ 2016 й.

ТОШКЕНТ - 2016

Мундарижа

Кириш.

I.боб. илмий адабиётларни урганиш.

1.1 Футболда тактик системаларнинг ривожланиши.

1.2 Майдонда футболчиларнинг тактик уйинлари

1.3 Тактик уйинлар тахлили

II.боб. Малакавий битирув ишнинг максад, вазифалари услублари ва олиб борилиши.

2.1 Битирув ишнинг макса два вазифалари

2.2 Битирув ишида услублар

2.3 Илмий адабиётлар тахлили

2.4 Анкета суровномалари

2.5 Битирув ишнинг олиб борилиши

III.боб. малакавий битирув ишида футбол жамоаларнинг тактик харакатларида олинган натижалар тахлили.

3.1 Замонавий футбол тактик системалар тахлили

3.2 Тактика, тактик системалар анкета суровномаларнинг натижалари.

3.3 Мамлакатимиз футбол жамоаларининг тактик системалари ва тактик уйинлари тахлили.

Хулоса

Адабиётлар руйхати.

Кириш.

Ўзбекистон футболли хам жахонда уз урнига эга булиб бормокда. Осиёда эса кучли унта терма жамоаларига сафига бемалол кушила олади.

2003 йилда Ўзбекистон усмирлари терма жамоаси жахон чимпионатига иштирок этилди.

Аммо бундай ютуқларимиз билан футболимизда камчиликларимиз йук дея олмаймиз.

Футбол жамоаларимиз бир канча халқаро учрашувларда маглубиятга учрашганлар хам. Бунда мутахасисларимиз футболчиларимиз ракиблардан жисмонан, техник, тактик томонлама анча заиф, кучсиз эканлигини таъкидлашган.

Футболчиларимизнинг (тактик) майдондаги тактик жойлашуви буйича бир канча камчиликлар кузга курунган. 2002 йилги жахон чимпианатига саралаш учрашувларда Уммон ва Хитой терма жамоаларига тактика борасида футболчиларимиз маглубиятга учраганлар.

Айникса, терма жамоамизнинг химоя чизигида тактика борасида коникарсиз уйин курсатишлари, маглубиятга олиб келган.

Бир канча учрашувларда хужум чизиги тугри танланмаган тактика, учрашувлар давомида хужумчиларнинг тезрок алмаштирилиб туришига уйин жараёнига уз таъсирини курсатган.

Етакчи клубларимиздан Пахтакор жомоаси уч йилдирки майдонда 4+4+г тактик системада харакатланишмокда. Купгина учрашувларда бундай тактик система жмоамизга галаба келтирган. Барча учрашувларда Пахтакор жамоаси хужумкор уйин тактикасида мойдонда уйин курсатишади.

I.боб. Илмий адабиётларни урганиш.

1.1. Футболда тактик ситемалар ривожланиши.

Тактик система бух ар бир уйинчининг вазифалари ва уларнинг футбол майдонидаги уринлари белгилаб куйилган холда жамоа булиб уйнаш харакатларни уюштириш.

Хар тактик системанинг доимий аломатлари булиб, уйинчиларнинг жойлаштирилиши ва уйининг кандай усул хамда шаклда олиб борилиши, шунингдек уйинчиларнинг вазифаларишулар жумласига киради.

Купгина футбол мутахисисслари Г.Д. Качалин (1957) Чарз Хюз (1979), А. Чанади (1981) ларнинг фикрича, футбол дастаб Англияда пайдо булла бошлаган пайтларда гарчи жамоаларда химоя ва хужум чизиклари назарда тутилаётган булсада, хали тактика ишлаб чикилмаган эди. Уйинчиларнинг майдонда жойлашиши 1-1-9 ва 1-2-8 системасига тугри келган.

Уйинчилар бундай системада жойлашганда хужумчилар туп атрофида тупланиб колишар, тупни эгаллаган уйинчи алдаб утиш ёрдамида олдинга ёриб утишига харакат киларди, тупни бош Билан уйнаш ва узокдан туриб дарвозага зарба бериш куланилган.

Футболга биринчилардан жамоавий тактик уйинни, тупни узок вакт бир-бирига узатиш, хар кандай хужум комбинацияларни Шотландия терма футбочилари киритишган. Шунга асосланиб футболда «катор беш киши» системаси аник ишлаб чикилган дастлабки тактик система булди.

Бу тактик системада Англиянинг «Ноттенгем Форст» футбол клуби яхши уйин курсатиб, бир неча маротаба чемпионликни кулга киритган. Бу системада жамоада иккита химоячи, учта ярим химоячи ва бита хужумчи булади. Марказий ярим химоячи энг мухум позицияда туриб хужумчилар Билан химоячиларни бир-бирига боглар ва шу зайл бутун жамоада уйинни уюштирувчи булган.

1925 йилда Халкаро футбол федерацияси коиданинг уйиндан ташкари холат хакидаги низолиги узгартириш киритди.

Энди хужум килаётган уйинчи туп олаётганда ундан олдинда ракиб уйинчилардан икки киши булса кифоя килган. Коида узгаргандан кейинги дастлабки йиллар хужумнинг химоя устидан батамом устунлигида утди. Бунда дарвозага куп туплар киритила бошлади. Дарвозани Самарали куриклаш мақсадида, яни тактик системалар пайдо була бошлади.

1930 йиллар бошида машхур инглиз клуби- Арсеналнинг тренери Чепмен дарвоза олдидаги энг хафли химояни мустахкамлаш учун, марказий ярим химоячини оркага тортиб, марказий химоячи килиб куйди.

Табийки, бу бошка уйинчиларнинг жойлари узгаришига, колаверса Янги тактик система ишлаб чиқишга асос булади. Бу тактик система «дубль-ве» номини олиб, куп вақт жамоалар куллаб келишди.

Маълум вақтга қадар хужум Билан муҳофадаги кучлар нисбати тенг булиб келади. Бирок яратишдан кура барбод этиш хама вақт осон булгани учун, маълумвақтдан кейин химоя устинрок келадиган булиб, бу голлар миқдори камайиб кетишига, уйининг сусайиб кетишига олиб келади. Йиллар утиши Билан футбол жамоалари хужумларни кучайтириш мақсадида бир қанча тактик ҳаракатларни уйлаб топишади.

Швеция булиб утган 1958 йилги Жаҳон чемпионати Бразилия терма жамоасининг ишончли ғалабаси билан якунланди. Бразилия футболчиларнинг бундай ғалабани кулга киритиши, бутун жаҳон эътироф этган Янги тактик система куп жихатдан сабаб булган.

Тактик системаларнинг йиллар давомида
узгариши, такомिलाшиши жадвали.

Тактик системалар	Майдонда кулланилган йиллар	Ишлаб чиккан футбол жмоаси
1 -2-8	1877-1901	Англия футбол клубилари
1 -2-3-5	1895-1920	Ноттингем Форст
1 -3-2-5	1930-1950	Арсенал
1 -4-2-4	1956-1962	Бразилия Т.Ж.
1 -4-3-3	1962-1970	Брзилия Т.Ж.
1 -4-4-2	1974	Галландия Т.Ж.
1 -5-3-2	1982	Италия Т.Ж.

Бразилия терма жамоасининг бундай тактик системадаги, химоя турта киши, хужумда турт киши, ва урта каторда икки киши уйнашган Германия футбол мутахасислари Х. Полке, Х.Хеммо (1976) лар 4-2-4 тактик системасига куйдагича таъриф беришади, 4-2-4 системасида уйин такдирни маълум даражада икки ярим химоячи хал кила олганлар. Булар жисмонан яхши тайёргарлик курган, хужум ва химоя уйининг барча техник – тактик йуналишларига эга булган уйинчилар эди. Улар хужумчиларга тупни канчалик тез ошириб берсалар, хужум шунчалик муваффакиятли ва ракиб учун кутилмаган булган.

1970 йилги жахон биринчилигида бирмунча Янги тактик жараёнлар пайдо булди. Етакчи жамоалар асосан 1-4-3-3 системада жойлашиб, унда енгил уйин курсатдилар.

Кейинги 1974 ва 1978 йилларда футбол жамоалари асосан 1+4+4+2 тактик системада майдонда ҳаракат килишди. Куплаб жамоалар учрашувларда химояга купрок эътибор Бера бошлашган.

Б.А.Аркадьев узининг «Футбол уйинг тактикаси» китобида система- бу хар бир учрашувда уйиннинг яни тактик расимини чизиб, тикилган кашта туридир деб таъкидлайди А.Чанади (1981) хам шу фикрни кувватлайди.

У футбол уйини системаси умумий вазифаларни хал килишда тактик система ката ёрдам беришинни эътироф этади. Уйинчиларина жой жойига куйиш тактикасининг такомिलाшиши куп жихатдан футболчининг вазифасига боглик. Биринчи навбатда индивидуал уйин яхши натижа курсатади. Айникса хужумчиларга бита-иккита химоячи каршилиқ курсатганда.

Бугунги футболда индивидуал тактик уйин унча хам Самара бермай куйди, чунки тупни олиб юриш ва ракибларни бирин-кетин алдаш, кийинлашди футболда прессинг уйин курсатиш бунга йул куйишади хозирги давримизда хам футбол клублари, терма жамоалар 1-4-3-3, 1-4-4-2 ва 1-5-3-2 каби тактик системаларда майдонга тушади.

Г.Калочи (1978) фикрича 1-4-3-3 системасида уйнаш жамоавий харакатлар учун кенг куламли маневрлар килиш, уйинчилар бир-бирларини яхши тушуниб уйнади деб хисоблайди, З.Н.Андролли (1978) эса жамоаларнинг 1-4-4-2 системаси яхши натижа беради деб такидлайди.

Чунки бу системада соф хужумчилар иккита булиб колганига карамай хужумда фаол иштирок этишади. Улар майдоннинг хар бир нуктасидан хужум килаверадилар. Уйинчилар индивидуалгина эмас, балки жамоавий нарзарда хам импровизация кила оладилар. Бунда жамоа маневрлари ракиб учун кутилмаган булиб колаверади ва уйин тактикаси узгартириб туриш имкониятини беради.

Купгина тренерлар футбол жамоаларнинг майдонга, ракибни уйин махоратига, кучли кучсиз жамоалигига караб тактик куллашади, жахон чемпионатида етакчи терма жамоалар: Бразилия, Италия, Германия, Аргентина каби терма жамоаларнинг узларининг уйин тактикаси, уйин усуллари оркали неча бор жахон кубогини кулга киритишган.

1990 йилда Италияда булиб утган жахон чемпионатида Аргентина терма жамоаси бир канча тактик системаларда майдонга тушиб, ракибларни

маглубиятга учрата олган. Биринчи учрашув Камерун терма жамоасига Карши 3-5-2 системада Собик Иттфок, Югославия терма жамоасига 4-3-3 системада. Бразилия терма жамоасига 4-5-1 тактик системада уйинни олиб боришган.

1.2. Майдонда футболчиларнинг тактик уйинлари.

Футбол тактикасида ракибга карши курашаётган жамоада ҳаракатлардаги уюшқокликка алоҳида футболчилар уртасида вазиятларни аниқ таксимлаш билан эришади. Ҳозирги вақтда уйинчиларни вазифаларига уйиндаги ихтисосига кура бўлиш улар тайёргарлигидаги универсаликка асосланган бўлади. Бу ҳамма барча бирдек бажара олади, деган Суз эмас, албатта. Аммо ҳар бир футболчи уйининг техник-тактик усулларни эгалаган бўлиши, ҳужумда ҳам ҳимояда актив ҳаракат қилиши керак.

Тактикани-самарали якунида майдонга футболчилар ампулаларига бўлиниб ҳаракатланишади. Майдонда футболчилар ҳимоя, ярим ҳимоя, ҳужумчи вазифаларини бажаришади.

Ҳизирги футболда ҳимоячиларнинг вазифалари кенгайиб кетди. Уларнинг вазифаси эндиликда ракиб ҳужумни бузушдан иборат бўлмай, балки ҳимояда ишончли уйнаш Билан уз жамоасининг ҳужум ҳаракатларига актив қушилишни бирга қушиб олиб боришдан иборат бўлмоқда. Иш ҳажмининг жуда ортиб, ҳаракат турларининг қупайиб кетиши ҳимоячиларнинг жисмоний тайёргарлик даражаси ортишини қучи, тезқорлиги, тезқор қидамлилиги, эпчилиги, сакровчанлиги, старт тезлигиниюксаклиги ривож топишни талаб қилади.

Бу уйинчиларда ҳаракат мувофиқлиги яхши ерда ва ҳавода мохирона яккама-якка кураша оладиган бўлиши керак.

Ҳимоячиларнинг ҳужумдаги тактик ҳараатларини Э.А.Кушбахтиев (1975). О.Кучерко (1986) Лар қуйдагича баҳолашди:

- 1) Тупни ракиблардан олиб қуйгандан кейин уни шерикларига вақтида ва аниқ узатиб бериш.
- 2) Жамоа ҳужумларда, стандарт вазиятларда, ҳужум қизигида фаол ҳаракатлана олиш ва очилиши.

- 3) Ракиб учун кутилмаганда хужумга кушиши, бунда туп шу химоячида булиб, у канотдан, марказдан ҳаракат қилади, шунингдек канот хужумчиси Билан урин алмашади ёки хужумчилар Билан ҳам урин алмашади.

Футболда «уйиндан ташқари ҳолат» ҳам химоячиларга ракиб хужумларни бартараф этишда қайта ёрдам беради. Лекин уйиндан ташқари ҳолатни юзага келтиришда химоячиларнинг ҳатоси, ракиб хужумчиларига юз фоизлик дарвозага гол киритишни таъминлайди.

Ярим химоя футболчилари майдондаги катта ҳажимдаги ишни бажаришади. Мутахассислар жамоа галабасида ярим химоячиларнинг урни бекиёсдир деб қарашади. Бу ихтисосдаги футболчилар бутун учрашув давомида юксак ишчанлигини таъминлайдиган аъло даражада ҳар томонлама тайёргарлик қурган булишлари керак.

Ярим химоячилар хужум ва химояда актив булишлари уйинни юксак суратда утказишлари ва бирдам ҳам сусайтирмасликлари даркор. Тактик тайёргарлик юзасидан, жамоа булиб уйнаш уйнаш воситалари ва методларни танлашда эпчил ва ихтирочи булиш юзасидан урта қатор уйинчилари олдига оширилган талаблар қуйилмоқда. Улар хужумда ҳам, химояда ҳам ҳама шерикларнинг ҳамкорлигини уюштириб турадилар.

Жамоанинг урта қатор уйинчилари қупинча турли тактик планда ҳаракат қилувчи футболчилардан тузилиб, ярим хужумчи, диспетчер ва ярим химоячидан иборат бўлади.

Ярим хужумчи асосан хужум қилувчи уйинчи вазифасини бажаради. Гоҳо у хужумнинг бошида ҳаракат қилади ва ҳаракатини актив қилунади. Диспетчер хужумда гурппа ва жамоа ҳаракатларини уюштиради ҳамда уларни иккинчи эшелондаги ҳаракатлар Билан бирга қушиб олиб боради. Ярим химоячи биринчи галда уз дарвозаси мудофаасини ташкил этишга ёрдам бериб – баъзидаги жамоасининг хужум қаторларига ёриб қиради.

Фюктинов (1965), Седов (1970) узларининг тадқиқот ишларида, майдонда ярим ҳимоячилар техник ва тактик ҳаракатларини энг куп бажаришларини тақидлашган. Техник ҳаракатларнинг туп узатишни ярим ҳимоячи 75%и камраб бажаради. Умумий техник – тактик ҳаракатларни уйин жараёнида 100 – 105 бажаришади.

Ярим ҳимоячиларга қуйиджаги талаблар қуйилади:

а) муҳофафадан ҳужумга утишни ташкил эти шва ҳужум ривожини давом эттириш;

б) майдон уртасини назорат қилиш ва жамоада узок вақт тупни бошқариб туришни, бинобарин, ташаббусни қулдан бермай туришни таъминлаш.

в) майдоннинг барча ерида уйнай олиш, жойлашиш ҳисобига рақибнинг жавоб атакаси тез ривож топишга тусқинлик қилиш.

Юқори жумлаларда келтирилгандек, ярим ҳимоячи майдон марказида диспетчерлик вазифаларни бажаради. Тактик томонлама диспетчер футболчи майдонни қура била олади, тупни узида куп ушлаб уйинчиларни очилишини таъминлайди.

Ҳужумчиларнинг майдондаги ҳаракатлари бошқа футболчиларнинг тактик ҳаракатлардан осон қуринади.

Аслида, эса ҳеч ҳам ундай эмас. Қупгина футбол мутахассислари футболчиларнинг (ҳужумдаги) майдондаги уйинларни таҳлил қилишган.

Англиялик Олтин туп эгаси ҳужуми К.Киганнинг майдондаги техник – тактик ҳаракатлари ҳақида қуйидаги фикр билдиришади: Киган – чарчаш нималигини билмайдиган уйинчидир, шижоатли, қурашчан бошқаларга урناق бўладиган хусусиятлари бор уйинчи. Унинг майдоннинг ҳар бир бўлагида қуриш мумкин, тупни олиш, уз ҳимоячисига қурсатма бериш, дарвозаларга қутилмаганда зарба бериш, бир қанча рақибларни тезкор алдаб ута олади.

Қузатишлардан маълум бўладики, ҳужум уюштиришда қанот ҳужумчилари фаол иштироки жамоага галаба келтиради. Тезкорлик ҳислатлари юксак бўлган қанот ҳужумчилари яққа қурашда ёки энг яқин турган шериги ёрдамида уни

куриклаётган уйинчини, догда колдириб, илгарилаб кета бошлайди. Бунда куйидагича ҳаракатларни амалга ошириш мумкин:

а) дшарвоза чизиги якинига чикиб, кейин шериги зарба бериши ёки ракиб оёгидан рикошет булишини мулжаллаб тупни дарвозани узунасига етказиб бериш.

1.3. Тактик уйинлар тахлили.

Тактика деганда уйинчиларнинг ракиб устидан галаба козонишига каратилган, индивидуал ва коллектив ҳаракатларини ташкил килишни, яъни жамоа футболчиларнинг муайян планга биноан айнан шу, конкрет ракиб Билан муваффақиятли кураш олиб боришга имкон берадиган биргаликдаги ҳаракатларни тушуниш керак.

Тактикадаги асосий вазифа хужум ва химоя ҳаракатларининг мақсадга эриштира оладиган энг кулай восита, усул ва формаларини белгилашдан иборатдир. Футбол учрашувда куп марталаб хужумдан химояга ва химоядан хужумга утишдан иборат булгани учун ҳам, ҳар қайси жамоанинг хужум ва химоя ҳаракатлари уюшган булиши керак.

Хужумдаги индивидуал тактика бу футболчининг муайян мақсадни кузда тутган ҳаракатлари, унинг мазкур уйин вазиятида бир қарорга келиш мумкин булган бир қанча имкониятлардан энг тугрисини танлай билиш, футболчининг туп уз жамоасида булганда ракибнинг диққат – эътиборидан четга чиқа олиши, узи шерикларига уйинайдиган буш жой топиш, ҳамда пайдо қила билиши, керак булиб қолган тақдирда эса химоячи Билан курашда ютиб чиқа олишга асосланади.


Футболда асосий мақсадлардан – футболчиларнинг дарвозага мулжаллаб зарба беришдир.

Дарвозага аниқ зарба бериш тактикасини Динамо (Киев) хужумчи Олег Блохин куйидагича баҳолайди:

1. Зарба бериш олдидан дарвозабоннинг позициясини мохирона баҳолаш ва унинг яхши курган ҳаракатларни билиш, дарвозабон чап томондами ёки унгидан, ерданми ёки ҳаводанми яхши илишни билиш.

2. Зарба дарвозабон учун иложи борида қўйилмаган бўлиши, зарба тайёргарликсиз, олдиндан мослаб олмай, дарвозанинг илиб олиш енг қийин жой томон берилиши даркор.

Футбол учрашуви давомида юзага келадиган тактик вазифаларнинг қўйилиши комбинациялар воситасида ҳал этилади. Комбинация бу муайян тактик вазифани ҳал этаётган икки ёки бир неча ўйинчининг ҳаракатлари бўлиб, бутун ўйин комбинациялару унга Қарши занжирдан иборат. Бунда комбинациялар олдиндан тренировкalar вақтида тайёрлаб қўйилган ва тайёрлаб қўйилмаган, яъни матчнинг ўзи давомида юзага келган бўлади.



Купгина футбол учрашувларда футболчилар – (до) томондан (стенка) комбинацияси куп марталаб кулланилади. Девор комбинацияси ракиб химоячи билан курашни шерик ёрдамида ютиб чиқишнинг энг самарали усули хисобланади.

Бунинг моҳияти шундан иборатки, тупни бошқараётган уйинчи шеригига яқинлашиб келиб (ёки шериги яқинлашиб келганда) тусатдан унга туп узатиб юборади-да, узи максимал тезликда химоячининг орқасига утиб кетади. Жамоадоши бир тепишдаёқ тупнинг тезлиги йуналишини туп узатиб берган уйинчи югуриш тезлигини секинлаштирмай туриб, тупни Яна эгаллаб оладиган, химоячилар эса бунга халакит беролмайдиган ёки тупни олиб қололмайдиган қилиб узатиб юборади.

Комбинациянинг бу тури шериклар бир – бирини аъло даражада тушунишадиган бўлиши ва техник жihatдан маҳоратли бўлишни талаб қилади.

Жаҳоннинг етакчи футбол мутахассислари Аргентина ва «Наполи» футбол жамоасини иқтидорли ҳужумчиси Марадона «девор» комбинациясини уйин жараёнида куп маротаба қуллаб, ракиб дарвозасига голлар кирита олганини эътироф этишади.

I – расмда Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида Аргентина-Югославия уйиндаги Марадона ва қаниджаларнинг «девор» комбинацияси қурсатилган.

Бугунги кунда футболда футбол жамоалари Қарши ҳужум тактикасидан самарали фойдаланилади. Қарши ҳужум уюштирилишининг моҳияти шундан иборатки, ундан бита-ўчта узатишда уйинчилардан бирини дарвозани забт этиш учун қулай позицияга чиқарадиган ҳужум еки тез ҳужум уюштирилади. Ҳужум – бу жамоанинг ракиб дарвозасини забт этишга қаратилган ҳаракатларини уюштириш.

Қарши ҳужумнинг афзаллиги шундаки, бунда ракиб химоячиларнинг қучлари химоя тактикасини қайта тиклашга вақти бўлмайди. Ҳужумдагиларнинг ҳама ҳаракатлари қутилмаганлик элементларига бой

булиб, юкори тезликда бажарилади. Уйинчилар майдонда куп маневр киладилар ва тупни узатиш билан энг киска вакт ичида шерикларидан бирини зарба бериш позициясига чикариш имкониятини яратадилар.

Жамоа галабасида футболчиларни майдонда жойлашиши, яъни, иккита, хужумчи еки учта хужумчи булиб иштирок этиши ката эътиборга эга. Замонавий футболда асосан иккита хужумчи билан харакатланишади.

Тукни саклаб туриш тактикаси хам футболчилардан томондан уйин жараёнида кулланилади.

Тукни саклаб туриш тактикаси куйидаги вазиятларда булиши мумкин:

- жамоа уйинчилари нафас ростлаши керак булганда;
- уйин тугашига оз вакт колганда.

Бундай холларда ракиб жамоаси одатда тезрок олиб куйишига харакат килади. Унинг уйинчилари бунда шиддат билан каттик беллашадилар. Шунинг учун бундай шароитларда тупни саклаб турган уйинчилар куйидаги килишлари талаб этилади:

А) доимо шерикдан тупни кабул килиб олиш имконига эга булган ерда жойлашиши;

Б) киска мусофаларга туп оширишни куллаб, туп ошириши;

В) тупни саклаб туриш учун уни олиб юриш;

Г) тупни саклаб туриш учун майдон маркази, айникса ён канот участкаларидан фойдаланиши.

Химоя тактикаси оркали футбол клублари муфаввкиятга эриша оладилар. Химояда уйнашнинг тактик санъати ракибни хеч қачон уз холига куймаслик ва уни таъкиб эътишни, қачон шериклардан берига берибюбориш ва химоя зонада уташни билишдан иборат.

Химояда уйнаш хилма-хил ва куп планли булиб, дарвозани мудофаа килишига, тупни кулга киртиш учун актив курашиши ва хужум юуштириша карашиман булади.

II боб. Малакавий битирув ишнинг максоди, вазифалари, услублари ва олиб бориш.

Битирув ишнинг максоди, - замонавий футболда тактик системаларнинг кулланилиши, жамоа галабасида тактик системалар ва тактикани ахамиятга эга эканлигини аниклаш, урганиш.

Шу максадни амалга ошириш учун куйидаги вазфалар бажарилди:

1. Европа, Осиё чемпионатларида футбол жамоаларнинг тактик системаларни урганиш;
2. Мамлакатимиз футбол жамоаларнинг тактик системаларниг урганиш;
3. Жамоаларнинг тактик системаларда футболчиларнинг тактик харакатлари тахлили.

2.2. Битирув иши жараёнида услубиятлар.

Курсатилган вазифаларни амалга ошириш учун куйидаги илмий-тадқиқот услублардан фойдаланилди.

1. Илмий адабиёт манбаларини тахлил килиш.
2. анкета суровларига жавоблар олиш ва уларни урганиш.
3. Педагогик кузатишлар.
4. Математик – статистика усуллари.

2.3. Илмий адабиётлар тахлили.

Илмий адабиётлар урганилганда, тактик системалар йиллар давомида такомиллашиб, ривожланганлиги аникланди. Футбол конун коидалари ишлаб чиқилгандан сунг, футбол учрашувларда жамоалар асосан хужум чизигига ката эътибор берилиб, 1-1-9 каби тактик системада, яъни 9та хужуми билан харакатланишган.

Футболда коидаларни янгидан киритилиши ва узгартирилиши, жамоа тактик системаларнинг кулланишига уз таъсирни курсатган.

Футболга «уйиндан ташкари холат» коидасининг киритилиши, хужум чизигига 7-9та хужумчилар билан харакатланишига чек куйилди. Кейинги

йилларда футбол жамоалари химоя, ярим химояга ҳам эътибор берилиб майдонда, 1-2-85-3, 3-4-3 тактик системаларни ишлаб чикилди.

Бугунги кун футболда жамоа галабасида мураббийларнинг тактик билимлари, ва жамоада уни кулай олимлари ката ахамиятга эга. Мутахассисларнинг фикрича сунги утказилган жахон, Европа чемпионатларида, мураббийлар уйинни булганлиги, бунда футбол жамоаларнинг мураббийлари кайси бири тугри танлаган тактикани кулай олишлари, жамоаларга галаба келтирган.

2.4. Анкета суровномалардан фойдаланиш.

Тактик системалар, тактикани хозирги футболидаги куланишлари, жамоа галабасидаги урнини билиши мақсадида футбол мутахассислари орасида анкета суровномалари утказилди.

Анкета суровномаларга 14та шулардан 7таси олийлига 4таси болалар ва усмирлар мураббийлари ва 3та олий тоифадаги футбол хакамлари иштирок этишиб жавоб беришди.

2.5. Битирув ишнинг олиб борилиши.

Битирув иши давомида жахоннинг етакчи футбол жамоаларнинг Узбекистон терма жамоаси ва Олийлига футбол жамоаларнинг майдондаги тактик системалари, тактикалари кузатилди ва урганилди.

Педагогика кузатиш жараёнлари – Европанинг футбол жамоалари, терма жамоамиз уйинлари видео тасмаларга ёзиб олишган холда олиб борилди. Миллий чемпионатимиз жамоаларнинг уйиналри майдонларда кузатилди.

III боб. Малакавий битирув ишида футбол жамоаларнинг тактик характларида олинган натижалар тахлили.

Замонавий футболда тактик системалар тахлили.

Хозирги футбол тактикаси уйинчилардан техник жихатдан мохир булишни ва уларнинг тактик тафаккури ривожланган булишигина эмас, балки функционал имкониятлари ортик булишини хам талаб килади. Уйинчилар харакатчанлиги, универсаллигини ошириш ва уйинни янада аникрок уюштириш хисобига жамоанинг хужум кудратини кучайтириш тенденцияси замонавий футбол тараккиётидаги бош йуналишлардан бири хисобланади.

Сунги утказилган Жахон, Европа, Осиё ва йирик халкаро чемпионатларда, футбол жамоаларнинг хар бир чизиги кучли уйин намойиш этишлари, мураббийларнинг уйинларда тактикани тугри танлай билишлари жамоалрга галаба келтирмокда.

Бугунги кунда куплаб футбол жамоалари 4+4+2 ва 3+5+2 тактик системада майдонда куруниши хосил килишади. XVII жахон чемпионати финалда Бразилия – германия терма жамоалари учрашилган. Финалага кадар 4+4+2 тактик системада Бразилия, 3+5+2 тактик системада германия футболчилари барча ракибларни маглубиятга учратишган. Финалда эса икала терма жамоа хам узларнинг тактик системаларида уйин курсатилиб, якунда 4+4+2 тактик системада Бразилия футболчилари галабага эришганлар.

2004 йилги Европа чемпионлар лигаси голиби «Порто» жамоаси тактик уйинлари билан хам барча ракибларни маглубиятга учратишди. «Порто» жамоасининг ярим химоя чизиги Деку, Манише, Каштиня, Аленичевлар асосий фигура булишиб, майдона ката хажмдаги ишни бажаришган.

Европа чемпионлар лигаси 1/8 финалнинг иккинчи учрашувида «Манчестер Юнайтед» жамоасига Карши «Порто» жамоаси 4+3+1+2 тактик системада майдонда уйинни бошлаганлар. Бу ерда «Порто» футболчилари химоявий тактик уйин усулига купрок эътибор беришган. «Манчестер Юнайтед» жамоаси аксинча, хужум тактикаси оркали галабани максад килиб олишган.

Учрашувнинг 30-дакикасида «Манчестер Юнайтед» 1:0 ҳисобида олдинга утиб, ҳужумни янада кучайтиришган. Иккинчи бўлимнинг 60 –дакикасидан кейинги вазиятларда «Порто» жамоасида тактик узгаришлар амалга оширилган.

Ярим ҳимоя, ҳужум чизиги кучайтирилиб, «Порто» жамоаси 3+4+3 тактик системада ҳаракатланишиб, ҳисобни тенглаштира олганлар ва кейинчи боскичда уйнаш ҳукукини кулга киритганлар.

Биринчи учрашувда «Порто» жамоаси «Манчестер Юнайтед» футболчилари устидан 2:1 ҳисобида устун улишган.

Жамоалар	Тактик система	Уйин вазиятида тактик системани узгариши ва уйин охиргача.	Уйин хисобда якунланиши
Порто-Депортиво	1- 4+3+1+2	1- 4+3+3	0:0
Порто-Ланс	1- 4+4+2	1- 4+4+2	2:0
Порто-Манчестер Юнайтед	1- 4+4+2	1- 4+5+1	2:1
Манчестер Юнайтед- Порто	1- 4+3+3+1	1- 3+4+3	1:1
Порто-Бенфика	1- 4+4+2	1- 4+4+2	3:1

2004 йилги Европа чемпионлар лигаси голиби «Порто» жамоаси жами 13та учрашувида майдонга тушганлар. Жамоа голиблик шохсунасига кутарилиши йуилида 7 галаба, 5 дуранг ва бир маротаба маглубиятдан иборат натижани курсатишган.

Туплар нисбати 20:12. киритилган голлар купи ярим химоячилар хисобига ёзилган: Маккарти – 4; Манише – 3; Каштинья - 3; Дерлей – 3; Аленичев – 3; Деку – 2; Рикарду Карвалью – 1; Альберто – 1.

Англия футбол жамоалари «Арсенал, Челси», «Манчестер Юнайтед»лар барча учрашувларда тактик системада майдонга тушишади ва уйин сунгигача шу тактик системада уйинни олиб боришади. Бу жамоаларнинг хужумкор уйин курсатишлари, хеч бир хужумчи ампуласида уйновчи футболчилар химояда харакатланиши кузга ташланмайди.

Германия, Италия, Бельгия футбол жамоалари купгина учрашувларда химяга ката эътибор берилиб, майдонда 4-5-1 ва 3+5+2 тактик системада уйинни олиб боришади. Штутгарт, Вендер, Андрехлет, Парма, Лацио жамоалари учрашувларда химояда мустахкам уйин курсатилиб, Карши хужумларда самарали уйин курсатишган.

жамоаларининг тактик системалари (3 жадвал) 3 - жадвал

Жамо: Уйин хисобда яқунланиши	ик система	Уйин вазиятида тактик системани узгариши ва уйин охиргача.	Уйин хисобда яқунланиши
Манчестер-Бавария	1- 4+4+2	1- 4+4+2	1:1
Манчестер Юнайтед- Нью кастл	1- 4+4+2	1- 4+4+2	2:1
Порто-Манчестер Юнайтед	1- 4+4+2	1- 4+4+2	2:1
Арсенал-Русенберг	1- 4+4+2	1- 4+4+2	4:0
Арсенал-Челси	1- 4+4+2	1- 4+4+2	0:1
Сельта Виго-Арсенал	1- 4+4+2	1- 4+4+2	2:3

Португалияда утказилган Европа чемпионатида Греция терма жамоаси химоявий тактик уйини билан кучли терма жамоаларни мағлубитга учрата олди. Химоядаги тактик уйинда Деллас, Сейторидис, Качсис, Факсис, Загоракислар мустахкам химоя чизигини ташкил этишди. Чемпионатнинг барча учрашувларда бита хужумчи булиб ҳаракатланишган.

Голландия терма жамоаси евро-2004 уйинларда хужумкор футболни намойиш этишди. Улар майдонда 4+4+2 тактик системада ҳаракатланишди.

Дарвозада – Вандер Сар, химояда – стам, де Бур, райцигер, Ван Бронкхорст, ярим химояда – Коку, давидс, Зеидорф, Вандер Мейда, хужумда – Робен, Ван Нистелройлар уйин курсатишди.

Асосий хужумлар марказдан давидс, Зеидорф, канотдан Робен томондан уюштирилди.

Франция, Англия терма жамоалари майдонда 4+3+1+2 тактик системада уйинни ҳосил қилишди. Франция жамоасининг уйинчиси Зидан хужумга иксослашган ҳолда, яримхимоя, хужумда фаолият курсатди. Англия терма жамоасида бундай вазифасини Скоулз олиб борди.


Жамоалар	Тактик система		уин вазиятида тактик системани узгариши ва уин охиригача.		Тупга эгалик қилиш дакика		Уин хисобда яқунланиши
Голландия- германия	1- 4+4-2	1- 3+5+2	14	16	28	25	1:1
Португалия-Греция	1- 4+3+3	1- 4+5+1	17	8	32	19	1:2
Англия-Швейцария	1-4+3+1+2	1- 4+4+2	12	9	24	29	3:0
Франция-Хорватия	1- 4+3+1+2	1- 3+5+2	11	8	32	27	2:2
Италия-Дания	1- 4+4+2	1- 4+3+3	12	12	22	27	0:0




2 расм. Греция терма жамоасининг 4+5+1 тактик системаси

Франция

Англия



3-расм. Англия - Франция терма жамоалари майдондаги тактик системалари



4 расм. Евро-2004 рамзий терма жамоаси, футболчиларнинг майдондаги жойлашуви

Тактика, тактик системалар, анкета суровномалар натижалари.

Футбол жамоаларнинг тактик системалари галаба козонишда ахамиятга эгами ва жамоаларнинг тактик уйинлари урганиш мақсадида, футбол мутахассислари, мураббийлардан анкета суровномалар, савол-жавоблар утказилди.

Анкета суровномаларига 14та шулардан 7таси олий лига, 4таси болалар ва усмирлар мураббийлари ва 3та Олий тоифадаги футбол хакамлари иштирок этилиб жавоб беришди. Хар бир мутахассис анкета суровномаларга яна холда жавоб бердилар.

Анкета суровномасининг, жамоа галабасида тактик система ахамиятиними? – деган саволимизга барча футбол мутахассиси, жамоа галабасида тактик системанинг муҳимлигини таъкидлашган.

Футбол жамоаларнинг галаба козонишда хужумкор еки химоявий тактик уйин услуби самарали? – саволига футбол мутахассисларнинг 9таси хужумкор уйин усулини самаралироқ деб билишган. Химоявий уйин усулини 30%ни футбол мутахассислари ахамиятлигини айтишган.

Бизнинг фикримизча ҳам хужумкор тактик уйин усули билан футбол жамоалари купроқ галабага эриша оладилар. Аммо, химоявий уйин усули билан Греция терма жамоасининг Европа чемпионатида голиб булишганлигини барча таъкидлайди.

Жахон футбол мутахассислари химоявий тактик уйин усулиги куйидагига фикрларни билдиришган.

ФИФА президенти Зе Блаттер – 2004 йилги Европа чемпионатида химоявий тактик уйин курсатган Греция терма жамоаси биринчи булди. Бундай галаба билан Греция футболчиларни табрикласа арзийди.

Лекин, кимки Греция терма жамоаси уйин услубидан урнак олса катта адашади. Замонамиз футболда тезкор, хужумкор уйин услуби албатта жамоларга муваффақият келтиради. Блаттер – Евро 2004да хужумкор уйин

курсатган Португалия, Голландия, Англия терма жамоаларининг тактикасини маъкул деб билган.


Евро – 2004да кучли деб эътироф этилган терма жамоалар ракиблардан тактика борасида маглубиятга учрашгани саволимизга? – мутахассиларнинг 50%га ха жавобини беришган. Ярим мутахассилар эса бундай эмаслиги, кучли терма жамоа футболчилари майдонда суи харакат килишиб, уйин жараёнида чарчаш аломатлари сезилиб турганлиги, бу холатлар терма жамоа уйинига уз таъсирини курсатган.

Пахтакор жамоасининг тактик уйинида камчиликларни курсатиб Беринг? – саволига куйидаги жавоблар олинди.

Хужум чизигида камчиликлар борлиги, хужум чизигини янада кучайтириш кераклиги, Марказдан бошланган хужумлар купинча самарасиз якунлаши, тезкор уйинчиларнинг йуклиги икки хужумчининг уйинда бир-бирига тушунмаслиги (тандем йуклиги) каби тактик нуксонлар борлиги курсатиб берилган.

Ўзбекистон терма жамоасининг 3-5-2 химоявий тактик уйинни кандай бахолайсиз? – деган саволга купгина мутахассислар бундай тактик система уйинда Ўзбекистон терма жамоаси яхши натижаларга эришди, лекин кучли Япония, Ж.Корея, Эрон терма жамоаларига Карши учрашувда химоявий тактик уйин усули панд бериб мумкин.

Футбол мутахассиларининг жавоблардан шундан хулоса килиш мумкин, тактикани тугри танлай билиш жамоаларга галаба келтиради, замонавий футболда хужумкор тактик уйин мухимлиги, хар бир футбол жамоасида жамоавий уйинни шакллантира олиш, бизнинг футбол жамоаларимизда хужум, химоя уйин тактикасида камчиликларга эга эканлиги куринади.




3.3. Мамлакатимиз футбол жамоларининг тактик системалари ва тактик уйинлари тахлили.

Миллий терма жамоамизнинг 2004 йилги ишончли галабаларида тактик уйин усуллари ҳам ката урин тутди. Терма жамоамиз барча учрашувларда 3-5-2 тактик системада майдонда харакатланишди. Химоя чизигида – Николаев, Федоров, Ашурматов, улардан олдинроқда таянч ярим химояда Аликулов, Копадзе, майдон марказида Косимов, Жепаров, канотларда Акопянц, Солиев (Магдиев)лар фаол уйин курсатишди. Хужум чизигимизни Шишлов, Генрих (Шацких) лар урин олишди.

Осиё чемпионатида Бахрайн терма жамоасига пенальтилар буйича маглубитга учрадик. Бундан олдин терма жамоамизнинг тактик системасида футболчиларининг жойлашувида бир канча муаммолар бор эди. Биринчи учрашувдаёки химоячи Б.Ашурматов жароҳат олиши, унинг урнида Аликулов уйнаш юклатилди. Аслида Аликулов таянч ярим химояда уйин курсатиши лозим эди.

Таянч химояда Копадзе, Жепаровларга фолият курсатишида. Бахрайн билан булган учрашувга марказ ярим химоя И.Иномов сарик карточкалар туфайли туша олмасди.

6-расм. Ўзбекистон терма жамоасининг майдондаги тактик системаси.



М.Косимовни урнида ҳаракатланадиган факатгина Иномов эди. Энг асосий уйинчимиз майдонда 50-60 минут яхши ҳаракатлана олишни билсак, унинг урнига факатгина Магдиев, Ширшов, Кошелевлар тушиша олишади. Буш футболчилар марказий ярим химояда эмас, балки канот ярим химояларидир. Бундай ҳолат, терма жамоамиз тактик уйинга таъсир курсатди ва биз маглубиятга учрадик.

2004 йилдаги энг асосий ракибимиз Ирок терма жамоаси булди. Риок терма жамоаси билан уч бора майдонда тукнаш келдик. Учала учрашувда терма жамоамизда уйин жараенида тактик узгаришлар амалга оширилганю биринчи учрашув ЖЧ саралш бахси, тактик система майдонда ҳаракатланишиб, иккинчи тайм хужум чизиги кучайтирилган. Иккинчи учрашув уйин бошида тактик система уйин охиригача ушлаб колинган. Учинчи учрашув уйин жараёнида, ярим химоя чизиклари кучайтирилган.

5-жадвал

Ўзбекистон терма жамоасининг 2004 йилги Ирок терма жамоасига Карши тактик уйинлари.

№	Жамоа учрашувлари	Ўзб.тактик системаси	Уйин жараёнида тактик системани узгартириш	Тупга эгалик килиш	Даврозага зарба йуналтир иш
1.	ЖЧ – 2006. саралаш 1-у Ўзбекистон-Ирок 1:1	1- 4-4-2	1- 4-3-3	49/50 %	6/7
2.	ОЧ-2004. гуруҳ учрашуви Ўзбекистон-Ирок 1:0	1- 3-5-2	1- 3-5-2	44/56 %	7/7
3.	ЖЧ-2006. Саралаш 2-у Ирок-Ўзбекистон 1:2	1- 3-5-2	1- 4-5-1	58/42 %	11/6

Бундай тактик узгаришлар терма жамоамизга галаб келтирган.

2004 йилги мавсумда терма жамоамиз 11та расмий учрашув утказиб, шундан бтаси ЖЧ-2006 саралаш бахсларида ракибларга карши майдонга чикишди. Уларнинг 4 уйини эса Осиё чемпионатида тегишли. Озарбайжон термасига карши бита уртоклик учрашувда куч синашди. Демак, булиб утган 11 учрашувда 8 галаба 2 дурранг, натижани кайд этишди. Озарбажон термаси билан кечган уртоклик уйинда 1:3 хисобда имконият бой берилди.

Туплар нисбати 22-8. Ярим химоячи Миржалол Космиво жорий мавсумда бта туп киритиб, термамизнинг тупурари булди. Асрорс Аликулов ва Темур Копадзелар утказилган 11 учрашувнинг барчасида майдонга тушишган.

Мамлакатимизнинг кучли футбол жамоларининг майдондаги тактик системалари куйидагича куринишда булган.

Пахтакор жамоаси 4-4-2 тактик системада харакатланади. Турт химоячи – Ашурматов, Гочкулиев, Аликулов, Николаев, турт ярим химоячилар – Л.Кошелев, С.Жепаров, Э.Магдиев, В.Пономарёв, икки хужумчи – В.Шишелов, А.Солиев.

Асосий хужумлар ва киритилган голлар канотдан стандарт вазиятлардан амалга оширилган. Барча ракибларга карши учрашувда, хужум тактикасини куллашади. Осиё чемпионлари лигасида Жанубий Кореянинг «С.Чунма» жамоасига техника – тактика тарафлама уйинни бой беришди.

Навбахор жамоаси 4-4-2 тактик сиетамада харакатланишди. Химояилар – Х.Каримов, Д.Ваниев, В.Жалилов, М.Усмонов, ярим химоячилар – А.Власичев, А.Гофупов, Р.Байрамов, Ж.Хасанов. хужумчилар – Ш.Мирхолдиршаев, В.Клишин. хужумларни ташкил этишда Ж.Хасанов ката ишни бажаради. Навбахорнинг барча хужумларни Хасанов иштирок этади. Кучли жамоаларга карши учрашувларда химояда мустахкам уйин курсатишиб, карши хужум тактикасинига таяниб туп суришади. Карши хужумда жамоа хужумчиси Ш.Мирхолдиршаев тезкор харакатланиб ракиблари дарвозасига бир неча бор туп кирита олган.

Насаф футбол жамоаси 3-5-2, 4-5-1 тактик системада харакатланишади.

Химояда 0 Д.Файзиев, Б.Короев, Б.Аннаматов. ярим химояда – В.Келдиев, К.Кенжаев, Р.Бердиев, Ж.Хамроев, Н.Курбанов. хужумда – З.Холмурадов, Ш.Тошпулатов.

Химояда Д.Файзиев, охирги чизикда ракиб хужумларни бартараф этишда «тозаловчи» уринда жуда яхши харакатлана олади. Ярим химояда хужум тактикасини бошлаш, ташкил этишда Р.Бердиев, В.Келдиевлар мухим урин тутади. Насаф жамоасида асосий фигура булиб шу икки футболчи ката хажмдаги ишни бажаришади.

6-жадвал

2004 – ОЧЛ. Пахтакор жамоасини ракибларига карши куллаган тактик системалари.

Жамоалар	Тактик система	Уйин вазиятида тактик системаси узгариши ва уйин охиригача	Уйинда устун булган жамоа	Уйин натижаси
Пахтакор – Зоб Ахан (Эрон)	1- 4+4+2	1- 4+4+2	55-45%	2:0
Пахтакор – Катар С.К. (Катар)	1- 4+4+2	1- 4+4+2	57-43%	1:0
Пахтакор – С. Чуима (Корея)	1- 4+4+2	1- 4+4+2	52-48%	0:2
А.Вахда (БАА) – Пахтакор	1- 4+4+2	1- 4+4+2	42-58%	1:1
Пахтакор – А.Вахда	1- 4+4+2	1- 4+4+2	61-39%	4:0

Трактор футболчилари ҳам 2004 футбол мавсумида хужумкор уйинни намоиш этишди. Уз майдонида булган учрашувларда кучли ракиб жамоаларга карши, хужум тактикасида футболчилар ҳамжихатлик билан уйнашди. Трактор жамоаси асосан майдонда 4+4+2 тактик системада харакатланишди:

Даврозада – В.Карпенко, химоя чизигида – Ш.Раимкулов, Б.Кодиров, Р.Бокиев, А.Ибрагимов. Ярим химояда – А.Кликунов, С.Баканов, Н.Хасанов, Т.Айзатумов. Хужумда – П.Соломин, Н.Муминжоновлар.

Чемпионат учрашувларида Трактор жамоасининг асосий хужум комбинациялари Хасанов – Соломин – Муминжонов томондан уюштирилди. Куп уйинларда бу учлик хужумлари самарали якунланган. Хужумни янада кучайтириш максидида захирадан куп холларда Д.Урмонов туширилган. Химоя чизигида (бир) химоячилар томондан бир канча хатоликлар учрашувларда кузга ташланган.

7-жадвал.

Трактор жамоасининг майдондаги тактик системалари.

Жамоа учрашувлари	Тактик система	Уйин натижаси
Трактор – Бухоро	1- 4-4-2	2:1
Трактор – Маъшал	1- 4-4-2	1:0
Трактор – Навбахор	1- 4-3-1-2	2:1
Трактор – Локомотив	1- 4-4-2	2:0
Трактор – Андижон	1- 4-3-1-2	3:1

ХУЛОСАЛАР.

1. Замонавий футболда футбол жамоаларининг галаба козонишида, футболчиларнинг тактик ҳаракатлари муҳим аҳамиятга эга. Чунки бугунги тактика футболчининг ҳимояда, ярим ҳимояда, ҳужумда фаол уйин курсатишни талаб этади. Жаҳонда кучли футбол жамоаларининг тактик уйинларида, футболчиларнинг аъло даражадаги ҳаракатларни куриш мумкин.
2. Хар қандай йирик халқаро футбол мусобақаларида футбол жамоалари Янги мужассамланган тактикани курсатиб беришади. Сунгги утказилган Европа чемпионатларида, Евро-2000да Франция ҳужумкор тактика билан, Евро – 2004да Греция ҳимоявий тактика билан Европада биринчи бўлишди. Ҳимоя: Греция терма жамоаси учрашувларда 6 та ҳимоячи билан ҳам ҳаракатланишди.
3. Купгина жамоалар майдонга 1- 4-4-2 ва 1- 3-5-2 тактик системасида уйин курсатишмоқда. Ҳужумкор тактикада уйин намойиш курсатадиган жамоа купинча 1- 4-4-2 системада уйинни ҳосил қилишади. Ҳимоявий тактика 1- 3-5-2 қуринишида уйинни курсатишади.
4. Ўзбекистон терма жамоаси бу йилги мавсумда ҳимоявий тактик уйин усулида майдонда ҳаракатланишган. Ирок, Баҳрайн, Саудия Арабистонни терма жамоалари бўлган учрашувларда, ҳисобда галаба қозонишган, бўлсада, тўпга эгалик қилиш, дарвозаларга зарба бериш, уйинда устунлик қилиш рақибларимизда бўлган.
5. Пахтакор жамоаси барча учрашувларда 4-4-2 тактик системада ҳужумкор уйин курсатишган. ОЧЛдаги барча учрашувларда рақиблардан устун бўлишган тўпга эгалик қилишда. С.Чуинма жамоасидан – 56%, Ал-Ваҳда – 58%, Забахан – 58%, Қатар-СК-54% натижалари курсатишган. Пахтакор ярим ҳимоячилари бу йилги мавсумда кучли уйин намойиш этишиб, мавсумдаги киритилган голларнинг 60% ярим ҳимоячиларга тегишлидир.

Адабиётлар руйхати.

1. Айрапетянц Л.Р., Годик М.А., Спортивные игры – Т. Изд.Ибн Сино. 1991г.
2. Акрамов Р.А. Игровые и тренировочные нагрузки в футболе. Учебное пособие - Т. Изд.Ибн Сино.2002г.
3. Аркадьев Б.В. Тактика футбольной игры. – М.ФиС 1968г.
4. Выжигин В.А. Климин В.П. На футбольных полях Испании. \ \ «Футбол» ежегодник – М.: 1983г.
5. Геза К.К. Современные системы игры. Кн.Подготовка футболистов. \ \под.ред.Козловского В.Н.-М: ФиС.
6. Голомазов С.В. Чирва Б.Г. Теоретические Основы и методика контроля технического мастерства. \ \ Тип футбола – М.Спорт Академ.Пресс.2000г.
7. Италия футболи. \ \ «Узбекистон футболи» 2002 йил 21 май.
8. Качалин Г.Д. Тактика футбола – М.: ФиС.1986г.
9. Климин В.П. Планирование и учет индивидуальности подготовки футболистов \ \ Футбол ежегодник. – М.1985г.
10. Кошбахтиев Н.А. Футбол махорти сари – Т.: изд.Медицина. 1990.
11. Кошбахтиев Н.А. Педагогическая характеристика индивидуальных тактических действий футболистов с мячом и обоснование средств и совершенствования. Автореферат, дис.канд.пед.наук – Л.1975
12. Кучеронко О.С. Игрок рождается в игре. \ \ Футбол ежегодник. – М.: 1981г.
13. Лауреаты Европейских клубных турниров \ \ «Наш футбол» газета. 1998г. 19 ноябрь.
14. Лондонская футбольная тактика \ \ «Наш футбол» №4. 1998г.
15. Лобановский В.В. Морозов Ю.А. Характеристика игровых действий южно-американских команд. \ \ М.1979г.

16. Миллян М.М. Современный футбол. \ Футбол. Ежегодник.
17. Нуримов Р.И. Совершенствование тактических действий футболистов высокой квалификации. Т.2000г.